

ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ

Исоқулов Мамадоли Рузимуродович ЖДПИ

Аннотация: В данной статье речь идет о формировании мышления учащихся в процессе образования – воспитания, а также раскрываются содержание и сущность, место и роль духовного воспитания в формировании мышления молодёжи.

Ключевые слова: восприятие, образование, процесс, мышление, мысль, наглядно образованное мышление, логическое мышление, репродуктивное мышление, продуктивное (творческое) мышление.

FORMING OF YOUTH THOUGHTS IN THE PROCESS OF EDUCATION – TRAINING ANNATATION

This thesis deals with the forming of youth thoughts in the process of education-training of school children. Also, paid attention to the meaning of intellect, process of intellecting, and problems of spiritual training in forming of intellect of the youth.

Key words: Intelligence, education, process, intellect, idea, logical intellect, reproduct intellect, creative intellect.

Ўсиб – улғайиб келаётган ёш авлод жамиятнинг фаол аъзоси бўлиши учун у ҳар томонлама тарбия топиши зарурлиги давлатимизнинг барча меъёрий хужжатларида, жумладан; Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топган.

Таълим – тарбия жараёнида ёшларни табиат ва жамиятнинг сир - асрорлари билан таништириб бориш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири. Чунки, атроф мухитда содир бўлаётган воқеа ва

ходисалар ёшлар томонидан идрок қилиниши зарур. Идрок қилиш жараёниларида ёшлар ўз хотираларида сақлаб қолган воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун - моҳиятини англаб, унга шунга мос равишда муносабат билдириши муҳим аҳамият касб этади. Муносабат билдириш учун эса тафаккур том маънода ишга тайёр бўлиши керак. Шунинг эътиборига олган ҳолда педагог-тарбиячиларнинг ўзлари идрок, тафаккур каби бир қатор тушунчаларнинг мазмун -моҳиятини англаб олишлари мақсадга мувофиқдир.

Ёшларни таълим – тарбия жараёнида борлиқни идрок эттириш орқали ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш ҳам педагог-тарбиячилардан жуда катта меҳнатни талаб қилади.

«Идрок (араб. ақл воситасида билиш, қабул қилиш) — ақл асосидаги мураккаб билиш жараёни, руҳий-интеллектуал қобилият. Идрок этиш жараёни қисқа ёки узок муддатли бўлиши мумкин. Апперцепция ҳодисаси туфайли одамлар ўз идрокларининг мазмуни билан бир-биридан муайян даражада фарқ қилади. Яъни улар айнан бир нарсани, ўз билим савияси, маслағи, позицияси, дунёқараши, ижтимоий келиб чиқишига қараб, турлича идрок қилади ёки акс эттиради. Масалан, “илдиз” тушунчасин биологлар ўсимликларнинг моддий асоси, математиклар илдиз остидаги сонлар, шифокорлар эса тишнинг илдизи, социологлар қариндош-уруғчилик, умумий ижтимоий омиллар тарзида идрок этади ва қўллайди».

Дунёнинг ўзига хос сир-асрорларини тушунишда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси, аҳамиятлилиги муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай дунёнинг ўзига хос жихатларини англашимиз ва унга мос тарзда онгли ёндошувимиз, муносабат билдиришимиз, уларни англашимиз, билиш жараёни психологияда тафаккур маъноларини англатади.

«Тафаккур (араб. фикрлаш, ақлий билиш) — инсон маънавиятининг таркибий қисми, билишнинг оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс эттирадиган ақлий босқичи. Тафаккур ибораси арабча "*фикр*" сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўйлаш,

муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини билдиради». Демак, ёшларнинг тафаккурини шакллантиришда биринчи навбатда уларнинг маънавий – ахлоқий маданияти «Маънавий-ахлоқий маданият – Ўзбекистон халқининг анъаналари, тили ва маданиятини билиш, ҳурмат қилиш, миллий фахр туйғусини, ўқимишлилик ва ақл заковатлилиги, ахлоқий намуналарининг мавжудлиги ва кундалик ҳаётида уларга ўхшашга интилиши, бўш вақтлардан фойдаланишнинг ижтимоий қимматли усулларидан фойдаланишни билиши, ўзининг шахсий салоҳияти устида миллий бойлик сифатида қайғуриш ва бошқалар.

Маънавий-ахлоқий маданият хилма-хил муносабатлар жараёнларида билим олиш, ижодий ва меҳнат фаолияти жараёнида намоён бўлади.» Чунки, маънавиятли инсоннинг фикрлаши мантиқан тизимлаштирилган ҳолда кўз олдимизда намоён бўлади. Бундай инсонлар билан фикр алмашиш ҳар томонлама қулай ва ёқимли бўлганлиги боис ҳам қутилган мақсадга эришилади. Мисол учун дарсда ўқувчилар қанчалик тарбияланган бўлса, улар ўқитувчини тинглаши ва одоб доирасида топшириқларни бавжариши уларнинг тафаккурини шакллантиришга шароит яратиб беради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи биринчи навбатда ўз ўқувчиларини маънан юксалтиришга ҳаракат қилади. Иккинчидан, ёшларнинг қизиқишларини инобатга олиш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мисол учун тафаккурнинг энг қизик, ажабланарли ва мураккаб томони шундан иборатки, инсон билган, эшитган, кўрган нарсаларини ва уларнинг хоссаларини улар йўқ пайтда ҳам бемалол ўз онгида акс эттиради ва тарифлаб бера олади. Дейлик, ўқувчи ер глобусини ўрганиб чиққан бўлса тоғлар, дарёлар, саҳролар, океанлар, қитталар, давлатларнинг номи ва жойлашувини глобусга қарамасдан ҳам айтиб бериш имконига эга бўлади. Бундай имкониятни ўқувчиларда яратиш ўз – ўзидан амалга ошадиган жараён эмас, балки, ўқитувчининг тинимсиз меҳнати, тажрибаси, педагогик маҳорати ва замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдалана

олиши ётади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантиришда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор қаратса мақсадга мувофиқ бўлади. Булар:

- таълим мазмунини ҳаётий мисоллар билан бойитиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда ёш даврлар хусусиятларига эътибор бериш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда идрок қила олдириш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда анализ, синтез, хулосага катта эътибор бериш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда замонавий ахборот ва телекоммуникацион воситалардан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда ахборотни тушуниб, уни қабул қилишларига эътибор қаратиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда ва тескари алоқани ўрнатишда образли тарзда ифодалаб бериш санъатини шакллантириш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда ва тескари алоқа жараёнларида рўй берган ҳодисаларни формулалар ва статистик ҳисоб китоблар воситасида исбот қилиш ва унга ўргатишни йўлга қўйиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда ва тескари алоқа жараёнларида фикрни тартибга солишга эътибор бериш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда иродани чиниқтириш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда диққатни тақсимлай олиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда ички ёки ташқи нутқ воситасига эътибор қаратиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда муаммоли таълимдан кенг фойдалана олиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда қўйилган масалага илмий нуқтаи назардан қарашга ўргатиш;
- таълим мазмунини ўқувчиларга етказишда масала ечимининг

шартларини бир неча вариантларда тасаввур қилишга одатлантиришга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ўқитувчилар доимий равишда ўз устиларида ишлаб, ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантиришга ҳаракат қилади ва унинг натижасида ўқувчиларда:

- кўргазмали-ҳаракат тафаккури;
- кўргазмали образли тафаккури;
- мантқий (мавҳум) тафаккури;
- репродуктив тафаккури;
- продуктив (ижодий) тафаккурлар шаклланади.

Кўргазмали - ҳаракат тафаккури – инсоннинг мавжуд предметлар билан иш қилаётган пайтдаги фикрлаш жараёнини ўз ичига қамраб олади.

Кўргазмали образли тафаккур - кўрган кечирган нарсалар ва ҳодисалар аниқ образлар ёрдамида кўз олдимизда гавдаланади ва уларнинг моҳиятини умумлаштириб, билвосита акс эттирилади

Мантқий тафаккур — бу мавҳум тафаккур бўлиб, сўзлар, сўзда ифодаланган билим, ғоя ва тушунчалар ёрдамида бевосита идрок доирасида бўлмаган нарсалар юзасидан чиқарган ҳукмлардир.

Репродуктив тафаккур — кўрган - билган нарсаларни айнан қандай бўлса, шундайлигича фикрда баён этиш.

Продуктив (ижодий тафаккур) — фикрлаш элементларига янгилик, ижодий ёндошувнинг амалга оширилиши мақсад қилинади ва амалга оширилади.

Таълим – тарбия жараёнларида шакллантирилган тафаккур эртанги кунда ёш авлодни тўғри йўлга бошқаришга, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида фаолият юритишга, ота – она ва яқинларига нисбатан ўз бурчини ҳис этишга, Ватан олдидаги фарзандлик бурчига онгли ёндошувини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х. бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Тошкент “Fan va texnologiya” нашриёти. 2009 йил

2. Абдурасулов А., Аҳмедов А.ва бошқалар. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Тошкент – 2009
3. Isaqulov, M. (2020). Юқори синф ўқувчилари тарбиясида виртуал стендларнинг ўрни. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(50). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6069
4. Isaqulov, M. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(98). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/8012
5. Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
6. Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
8. Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>
9. Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШИНИНГ АЙРИМ ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>
10. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>
11. Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. *Журнал*

Педагогика и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>

12.Sodiqova, D. (2021). РОЛЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В РАЗВИТИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1352>

13.Sodiqov, H. (2021). СВОЕОБРАЗНЫЕ АСПЕКТЫ ВНЕДРЕНИЯ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В СОЗНАНИЕ МОЛОДЕЖИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1353>

14.Sodiqov, H. (2020). MEETING OF FUTURE TEACHERS DEVELOPING A CULTURE EFFECTIVE WAYS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.

15.Sodiqov, H. (2020). DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE AND SPEECH CULTURE IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.

16.Sodiqov, X. (2018). THE ESSENCE OF THE CONCEPT "COMMUNICATIVE-SPEECH CULTURE" OF THE FUTURE TEACHER AND HIS THEORETICAL MODEL. *Central Asian Journal of Education*, 2(1), 13-17.

16.Sodiqov, H. (2020). PLACE OF FOLK SONGS IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF THE STUDENT-YOUTH. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-10.

17.Sodiqov, H. (2020). HIGHER STUDENTS IN PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ISSUES OF EDUCATION AS A SPIRITUAL PERSON. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-11.

18.Sodiqov, H. (2020). SPIRITUAL MORALITY OF SOCIETY AND FAMILY HARMONY TRENDS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-11.

19.Sodiqov, H. (2020). WAYS TO GAIN PEDAGOGICAL SKILLS. Архив Научных Публикаций JSPI.

- 20.Sodiqov, H. (2020). MEETING OF FUTURE TEACHERS DEVELOPING A CULTURE EFFECTIVE WAYS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 21.Sodiqov, H. (2020). TECHNOLOGIES FOR DEVELOPING STUDENTS'COMMUNICATIVE AND SPEECH CULTURE. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 22.Sodiqov, H. (2020). ADVANTAGES OF FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 23.Sodiqov, H. (2020). Use of mass educational measures in upbringing of harmoniously developed generation. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 24.Sodiqov, H. (2020). The educational significance of hadiths in human spiritual maturity. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 25.Sodiqov, H. (2020). Abu Nasr Faroobi's views on education. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 26.Sodiqov, H. (2020). General pedagogical views of Abu Ali ibn Sina. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 27.Sodiqov, H. (2020). Specific aspects of the organization of independent education. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 28.Sodiqov, H. (2020). DUXOVNO-NRAVSTVENNYE PRINTSIPY HARMONII OBshchESTVA I SEMI. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-12.
- 29.Sodiqov, H. (2020). The role of toys in shaping the creative thinking of primary school students. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 30.Sodiqov, H. (2020). Family, school cooperation in the upbringing of primary school students. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 31.Sodiqov, H. (2020). The role of toys in shaping the creative thinking of primary school students. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 32.Sodiqova, D. (2019). PECULIARITIES OF FORMING CREATIVE ATTITUDE TO THOUGHTS OF STUDENTS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
- 33.Sodiqova, D. (2020). Buyuk allomalarimiz asarlarida oilada bola tarbiyasining ahamiyati haqida qarashlari. Журнал Педагогика и психологии в современном

образовании, (1).

34.Sodiqova, D. (2020). Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда тушунчалардан фойдаланиш. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1).